

ШАРТНОМА № 12

« 2 » 08 2022 йил

Данғара тумани

«MARKET MAGNET» МЧЖ номидан раҳбари **Артиков О.** бундан буён бир томондан «Сотувчи» деб юритилади, низом асосида ҳаракат қилувчи, иккинчи томондан **Данғара тумани Ирригация бўлими** номидан раҳбар **С.Тожибоев** юритилади ва куйдагилар ҳақида ушбу шартнома тузилди.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. «Сотувчи» узига тегишли мол-мулкни сотиш, «Харидор» эса туловни белгиланган тартибда амалга оширишдан сўнг қабул қилиш мажбуриятини оладилар.

II. ШАРТНОМА НАРХИ

Т/р №	Товарнинг номи	Улчов бирлиги	Микдор и	Нархи	Суммаси	Суммаси ҚҚС билан
1	Цемент (Тожиқ)	14600	Кг	1252	18 279 200	ҚҚС сиз
2	Щебень	82	М3	145000	11 890 000	ҚҚС сиз
3						
4						
5						
6						
7						
8						
9						
	Жами				30 169 200	

Товарларнинг шартномавий умумий баҳоси: 30 169 200 (Ўттиз миллион бир юз олтимиш тўққиз миш икки юз) сум. ҚҚСсиз

(ракамлар, езувлар билан)

III. ХИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан, етказиб берилаётган товарнинг 30 % микдоридан пул утказиш йули билан туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортда етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган ҳолда қўшимча белгиланади.

IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг товарни 1 (бир ой) муддат ичида «Харидор»га етказиб бериши шарт.

V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товарнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиқлик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий ҳужжатлар ва «Харидор»нинг талабига мос келиши шарт.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИ

6.1. Товарлар тўлиқ етказиб берилиши керак берилаётган товар қисман етказиб бермаса харидор яни бюртмачи уларни тўлиқ етказиб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Талаблар бажарилмаганда ёзма равишда талабнома беришга ҳақли.

6.2. - Шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган маҳсулотни қайтариб олиб қўйиш ҳуқуқига эга;

VII. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- Шартномада кўрсатилган талабларга риоя қилган ҳолда ўз вақтида «Харидор»га товарни етказиб бериш;

- Тегишли даражада сифатли маҳсулот юборилганлиги тўғрисида билдириш олгандан сўнг, сифатли бўлмаган маҳсулотни 3(уч) кун ичида алмаштириб бериш ёки ушбу шартноманинг 2-бандига асосан сифатли бўлмаган маҳсулот баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган маҳсулотларини ҳисоб-варақларда тўлиқ ва аниқ номини, маҳсулот навини, категориясини ва бошқа кўрсаткичларини кўрсатиш шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлиқ реквизитларини расмийлаштириш шарт.

7.2. «Харидор»нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиш ушбу шартномада ва қонун ҳужжатларида белгиланган бутлаш тартибига, сонига, сифатига қараб ўз вақтида маҳсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли бўлмаган махсулот келиб тушгани аниқлангандан кейин, бу ҳақда даволатнома ёзилиб 3(уч) кун ичида «Сотувчи»ни огохлантириш.

- Тўлик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати, нави ва категориялари кўрсатилмаган ҳисоб-варақлар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

8.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этмаслиги ёки тегишлича бажарилмаслиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган тарзда жавобгардирлар.

8.2. «Сотувчи» «Харидор»нинг олдиидан маблағи бўлган ҳолда товарни белгиланган муддатда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун шартноманинг бажарилмаган қисмидан 0.5 % миқдорда «Харидор»га пеня тулайди, лекин пеня миқдори шартнома бажарилмаган қисмидан 50% дан ошмаслиги керак.

8.3. Шартнома талабларида кўрсатилган сифатларидаги ҳамда бутлашдаги махсулот берилмаган бўлса, айбдор тараф 5 % миқдорда жарима тўлайди.

8.4 «Харидор» олинган товар учун туловни ўз вақтида амалга оширмаса кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4% миқдорда «Сотувчи»га пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50% дан ортиқ бўлмаслиги лозим.

8.5 Текширув органилари томонидан махсулот нархи қиммат деб топилган тақдирда ўртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.

IX. ФОРС-МАЖОР ХОЛАТЛАРИ

9.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгил булмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. Ҳақиқатда тусдаги ҳолатларга: сув тошқини, ёнғин, ер қимирлаши ва бошқа табиий офатлар, шунингдек харбий ҳаракатлар, давлат органларининг ақтлари ёки ҳаракатлари ва тарафлар назорат қила олмайдиган бошқа, ҳар қандай ҳолатлар тегишлидир.

9.2. Тарафлар ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажармаслик сабаблари тўғрисида албатта иккинчи тарафни 5 (беш) иш кунда огохлантириши шарт.

9.3. Огохлантириш хати (почта) орқали юборилади.

9.4. Агар бартараф қилиб бўлмайдиган куч 3(уч) ой узлуксиз давом этса, тарафлар бир-бирини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг ижросини бекор қилиш мумкин.

X. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Ушбу шартномани бажариш, ўзгартириш ва уни бекор қилишда пайдо бўладиган низолар энг аввало тарафларнинг келишуви билан ҳал қилинади. Ўзаро келишилмаса иктисодий суди ва Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонушлар тартибда ҳал қилинади.

10.2. Шартнома тарафларнинг ўзаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан шунгари бекор қилиш мумкин.

10.3. Ушбу шартнома 2022 йил «2» 08 дан 2022 йил «31» декбаргача тузилди. Шартнома икки нусхада тузилиб, икки томонлама имзоланганидан сўнг қонуний кучга қиради.

XI. КЎШИМЧА ШАРТЛАР

1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

2. Тарафлар шартномалаги коррупцига қарши кўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органилари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (қелажакда бу турдаги даракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи шартнома ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради,

4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзининг ижроия органилари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки бевосита (шу ҳумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди:

а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рұхсатномалар олиш, солиқ солиш, бошқона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиш, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки саклаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига;

б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг реаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк қаноний

фаолиятдан олинган даромад экаплиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириши ёхуд азмаштириши йўли билан унинг келиб чиқишига ноқонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиши. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

5. Тарафлар товарлар, хизмат ва ишларни реализация қилиш ва ўтказишда, битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибутерлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши шарт;

- коррупциявий ҳаракатларга пул қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муроасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш;

- улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик;

- уларни фақат тарафнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш;

- уларга қонунийлик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

6. Тарафлар уларнинг

7. назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши кўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

8. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши кўшимча шартларнинг 4 ва 5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йул қўйганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт.

Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф шартномани бир тарафлама тўхтатиб туришга, бекор қилишга ҳамда зарари тўлик қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛАРИ ВА РЕКВИЗИТЛАРИ

«Сотувчи»

«MARKET MAGNET» МЧЖ

(мол ўтказиб берувчининг номи)

Манзил: Фарғона вилояти, Данғара тумани

Тел./факс ()

х/в: 20208000805505366001

Банк номи: Қўқон шаҳар Хамкор банк

МФО: 00956 СТИР: 309 375 397

ОКОНХ: _____



(имзо)

М.Ў

«Буюртмачи»

Данғара тумани ҳарбий хизмат бўлими
(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил : Данғара т. Саҳрат б-и

Тел./факс 54-21-565

ш/хр 1000221603023670424021#0001

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 208263865

ОКОНХ 0813

Ҳазначилик бўлини маси номи Момоъ Вазориев

Ҳазначилик

Ҳисоб х/в 23402000300100001010

Банкнинг номи Марказий банк Тошкент ш

ХКМ

МФО 00014

Ҳазначилик бўлини маси СТИРи 201122919

Раҳбар _____



(имзо)

М.Ў



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
DANG'ARA TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi, 150-uy
Tel.: (998 73) 572 17 78, el. pochta: dangara-t-yurmarkaz@adliya.uz

2022 yil "3" avgust.

Dang'ara tumani Irrigatsiya
bo'limiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

XULOSA.

1. Loyihaning turi:

XO'JALIK SHARTNOMASI.№17.

2. Loyihaning nomi:

«Market magnet» MCHJ tomonidan sement va sheben etkazib berish to'g'risida

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

Dang'ara tumani Irrigatsiya bo'limi.

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari, xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni va "Korrupsiyaga qarshi kurash to'g'risida"gi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani Adliya bo'limi
Yuridik xizmat ko'rsatish
markazi bosh yuristkonsulti :



Sh.J.Ziyayev.

ЙИҒИЛИШ БАЁНИ

« 2 » 08. 2022 йил

№ 12 сон

Данғара тумани

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Данғара тумани

Ирригация бўлими

раҳбар



Данғара тумани Ирригация бўлимига щебень ва цемент сотиб олиш учун ўтказилган электрон элон натижалари тўғрисида

Раислик қилувчи: комиссия раиси:

С. Томибоев

Қатнашдилар:

1. Ш. Ғофурова

2. С. Бетмиев

3. М. Мадалиева

4. А. Деханов

Йиғилиш кун тартибида кўриладиган масала:

Данғара тумани Ирригация бўлимига щебень ва цемент сотиб олиш учун ўтказилган электрон элон натижалари тўғрисида.

Кун тартибидаги масала юзасидан Данғара тумани Ирригация бўлимига щебень ва цемент сотиб олиш учун ўтказилган электрон элонга раислик қилувчи С. Томибоев сўзга чиқиб, ушбу элон Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва ҳаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонунинг 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлиси баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат


харидларининг электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор такидлаб ўтди. Мухокамама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олибган ҳолда йиғилиш хайати:

Қарор қилади.





1. Мухокамама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан этирозлар ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб " MARKET MAGNET" МЧЖни йиғилиш хайати ҳолиб деп элон қилсин.

2. Ҳолиб деб топилган қатнашчи " MARKET MAGNET" МЧЖ билан қонунчиликда белгиланган тартиба шартномаларни расмилаштириб,маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

Комиссия раиси:

 Л. Тоҳибов

Комиссия азалари:

 М. Гофурова
 Л. Бетшев
 М. Маганов
 А. Дижок